



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 11 февраль, № 28 (9199)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзоу Цзяи
бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси ушбу нуфузли кўп томонлама молиявий институт раҳбарини лавозимга киришгани билан самимий табриклади.

Ўзбекистоннинг Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан стратегик шериклигини кенгайтиришнинг амалий масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда банк билан кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Амалдаги ва истиқболли қўшма лойиҳалар портфели 7 миллиард доллардан ошди. Ўтган йилнинг ўзига молиялаштириш ҳажми 1 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди.

Ўзбекистон Президенти хусусий сектор, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш, камбағалликни қисқартириш дастурини амалга оширишга қўмақлашиш, муқобил энергетика, энергия самарадорлиги, сув таъминоти, ижтимоий хизматни ривожлантириш каби устувор соҳаларда самарали ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

ОИИБнинг минтақавий аҳамиятга эга йирик инфратузилмавий лойиҳаларда фаол иштирок этиши муҳимлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, Цзоу Цзяи мамлакатимиздаги ўзгаришлар кўламини юқори баҳолаб, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этишга тайёргилигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРГИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Қирғиз Республикаси Президенти
Садир Жапаров билан телефон
орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлаш суръати барқарор экани мамнуният билан қайд этилди. Саноат кооперацияси лойиҳалари амалга оширилмоқда. Йирик инфратузилмавий лойиҳалар, шу жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Қамбарота гидроэлектр станцияси қурилиши бўйича биргаликдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Президентлар муносабатини кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашди, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

ЧУҚУР ТАРИХИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТАЯНГАН МУНОСАБАТЛАР

Покистон Ўзбекистонни дўст мамлакат, халқаро жамоатчиликда обрўси балан дўст стратегик шерик сифатида кўради. 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилган пайтдан бери икки мамлакат умумий манфаатларига мос келадиган қатор масалалар ва лойиҳалар бўйича муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ШХТ, ИХТ, ОХИЧК каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида яқин ва самарали алоқаларни йўлга қўйган. Шу тариқа расмий Тошкент ва Исломбод жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, изчил ривожланишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Президенти-нинг 5-6 февраль кунлари Покистонга давлат ташрифи шериклик доирасини кенгайтириб, ўзаро алоқалар тарихининг янги босқичига старт берди. Ташриф давомида имзоланган қўшма ҳужжатлар билан бизнес келишувлар икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор қаратмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва интақалараро алоқалар шериклигимизда алоҳида аҳамиятга эга.

3

Нукта назар

Ўзбекистон — Озарбайжон: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистоннинг дунё давлатлари билан ҳамкорлиги жадал ривожланиш босқичига ўтди. Биргина Озарбайжон Республикаси билан алоқалар изчил кенгайиб бораётгани фикримизга яққол мисол. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон — Озарбайжон юқори самара берадиган кўп қиррали ҳамкорлик салоҳиятини ҳаётга татиқ этишга интилан ҳолда кенг қамровли стратегик шериклик ҳамда иттифоқчиликка содиқ эканини тасдиқламоқда. Ўзаро муносабатлар манфаатларни ҳисобга олиш тамойили асосида ҳар икки халқ учун ҳам фойдали соҳаларда ривожланмоқда.

3

ЎзА.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 февраль куни Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илгари Навоий саноати деганда, асосан, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийуран”, “Навоий-азот”, “Қизилқумментамент” каби йирик тармоқ корхоналари назарда тутилган, инвестиция ҳам, иш ўринлари ҳам, иқтисодий ўсиш ҳам айнан шу корхоналар фаолиятига боғлиқ эди.

Худудларни комплекс ривожлантириш, иқтисодий диверсификация қилиш ва янги “ўсиш нукталари”ни аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида 2025 йилда йирик тармоқ корхоналарига боғлиқ бўлмаган худудий инвестициялар ҳажми 1,4 миллиард долларга етди. 2026 йилда ушбу кўрсаткич 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, ўтган йилда вилоятда макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Ялпи худудий маҳсулот 168 триллион сўмни ташкил этиб, 7,7 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 8,3 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 4,7 фоиз, хизматлар соҳасида эса 13,7 фоиз ўсиш қайд этилди. 161 мингта иш ўрни яратилди, ишсизлик ва камбағаллик даражаси 4,2 фоизга тушди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг уларнинг солиштирма устуликларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш зарур.

Хусусан, Нурота ва Ҳозғонда пардозбоп тошлар ва туризм, Томди ва Учқудуқда тоғ-кон саноати, Навбахорда тўқимачилик ва богдорчилик, Қониҳада яйлов чорвачилиги, Зарафшонда зарғарлик ва ахборот технологиялари, Шарман-

да кимё саноати ва маданий туризм, Навоий шаҳрида эса машинасозлик ва сервис соҳалари бўйича катта салоҳият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, саноат ривожини худудлар кесимида номуносаб экани қайд этилди. Вилоят бўйича жон бошига саноат маҳсулоти ҳажми 177 миллион сўмни ташкил этса-да, Томди, Нурота, Хатирчи, Навбахор ва Қизилтепа туманларида ушбу кўрсаткич республика ўртача даражасидан пастда қолмоқда. Ваҳоланки, Томди ва Нурота мрамар, кварц ва базальт каби табиий ресурсларга бой.

Шу муносабат билан Нурота туманида 50 гектар майдонда гранит саноат парки, қайта ишлаш кластери ва пардозбоп тошлар бўлимини ташкил этиш, Хатирчи туманида 50 гектар майдонда кичик саноат зонасини ишга тушириб, 100 миллион долларлик юқори қийматли лойиҳаларни жойлаштириш тақлифлари маъқулланди. Пардозбоп тошлар ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш вазифаси қўйилди.

Ушбу қувватларни кадрлар билан таъминлаш мақсадида Навоий рақамли технологиялар техникумида тоғ-кон ва кимё саноати учун кадрлар тайёрлаш маркази ташкил этилди.

Умуман, жорий йилда вилоятга 4,2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиб, экспорт ҳажми 1,5 миллиард долларга етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда вилоятнинг кичик ва ўрта корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни маҳаллийлаштиришга

кенгроқ жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида ҳам мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани кўрсатиб ўтилди. Зеро, вилоятдаги 9 миллион гектар яйлов қўйчилик, туячилик ва йилқичиликни иқтисодий драйверига айлантириш учун етарли. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 2026 йилда хориждан майда шохли мол, зотли туя ва отлар олиб келинади.

Умуман, вилоятдаги 3,3 миллион гектар яйлов лойиҳавий ёндашув асосида қишлоқ ҳўжалиги айланмасига киритилади. Хитойнинг чўланишига қарши кураш тажрибаси асосида Навоийда чўлланишни бартараф этишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоят таълим соҳасида ҳам республикада етакчи худудлардан бири ҳисобланади. Олий таълим қамрови 71 фойзга етказилган бўлса, ўтган йилда 10 та мактаб билан турмушчилик олиёғоларга кириш бўйича 100 фойзлик натижага эришди.

Янги ўқув йилидан бошлаб Навоий ва Зарафшон шаҳарларида “Бир мактаб — бир IT синф” таълимий асосида иқтисослаштирилган синфлар очилди тақлиф этилди. Бунинг учун вилоятдан 100 нафар ўқитувчи IT ва сунъий интеллект йўналишларида пойтахтда ва хорижда малака оширади, Тошкент ахборот технологиялари университети Зарафшон филиалида сунъий интеллект ва киберхавфсизлик йўналишида кундузги таълим дастури йўлга қўйилади.

Йиғилишда туризм соҳаси ҳам муҳокама қилинди. 2026 йилда На-

воий вилоятига 600 минг хорижий ва 3 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, 72 та янги жойлаштириш воситасини ишга тушириш ҳамда 500 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Бунинг учун туман ва шаҳарлар марказидаги 65 та маҳаллани боғловчи кўчалар, соҳил ва йўл бўйи худудларида савдо, кўнглинчар ва дам олиш марказлари барпо этилади, шунингдек, туристик салоҳияти юқори бўлган 18 та маҳаллада меҳмон уйлари ташкил этилади. Халқаро йўллар бўйидаги 15 та маҳаллада савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фаолияти йўлга қўйилади.

Нурота туманида “Нақшлар ва нурлар” миллий каштачилик марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида Лангар ва Ангидон маҳалларини туризмга иқтисослаштирилган ҳолда ривожлантириш, Нурота ва Қониҳа туманларидаги 4 та қишлоқни туризм қишлоғига айлантириш режалаштирилган.

“Оғир” туман сифатида белги-ланган Навбахор туманидаги Сармишсой худуди атрофида дам олиш ва кўнглинчар маскан ташкил этиш бўйича мастер режа ишлаб чиқиб, сайёҳлар оқимини 3 қаррага ошириш ҳамда 200 дан ортиқ иш ўринлари яратиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Навоий шаҳридаги Алишер Навоий боғи, Ёшлик кўли ва улар атрофидаги худудлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги қайд этилиб, уларни яхлит ҳолда ривожлантириш орқали аҳоли учун қулай ва замонавий дам олиш шароитларини яратиш муҳимлиги таъкидланди.

2

ОЛИМА АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

11 февраль — Илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар халқаро кунини муносабати билан Тошкент давлат транспорт университетида “Илм-фан соҳасида қизлар: имкониятлар ва масъулият” мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Парламент юқори палатаси раҳбари ўз сўзида Илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар халқаро кунини формал тенглик ёки алоҳида имтиёз бериш масаласи эмаслигини таъкидлади. Ушбу сана

инсон капитали самарадорлигини ошириш, илмий қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда транспорт, фан ва барқарор тараққиётнинг келажагини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Тадбир давомида хотин-қизларнинг илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалардаги иштироки, замонавий билим ва технологияларни эгаллаш бо-

расидаги имкониятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ва масъулият атрофида муҳокама қилинди.

Давлат томонидан хотин-қизларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар, грант дастурлари ва таълим имкониятларининг амалий аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда илм-фан соҳасида хотин-қизлар улусини ошириш, айниқса, аниқ ва техник фанлар, муҳандислик ва инновация йўналишларида қизларни кенг жалб этиш устувор вазифалардан бири эканини таъкидлади.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда электрон тижорат соҳасини такомиллаштириш, гийёҳандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни кучайтириш, маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун судларга мурожаат этишда қулай шарт-шароитлар яратиш, судьяларнинг одил судловни олиб боришдаги масъулиятини ошириш, парламент назорати фаолиятининг асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Электрон тижорат соҳаси такомиллаштирилади

Депутатлар электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модада-мода муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси палатанин шун йил 6 январь кунини бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар уни янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифларни берганди.

2

ОЛИМА АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Бу борада таълим муассасалари, илмий марказлар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Илм-фан соҳасида салмоқли натижаларга эришган иқтидорли талаба-қизларнинг ютуқлари эътироф этилди. Очқ мулоқот шаклидаги муҳокама иш-тироқчиларга ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини берди.

Анжуман доирасида талаба-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувват-

лаш, иқтидорини ривожлантиришга кўмаклашишга хизмат қиладиган Қизлар ташаббуслари ва юқори натижаларга эришган талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оилали, фарзандли талабалар учун "Она ва бола хонаси"нинг очилиш маросими ўтказилди.

Тадбир якунида илмий фаолиги, ташаббускорлиги ва юқори натижалари билан ажралиб турган бир гуруҳ иқтидорли қизлар Олий Мажлис Сенати Раиси томонидан тақдирланди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.



ХАВФСИЗ МУҲИТ — ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Миробод туманида хавфсиз муҳитни яратиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Ўрганиш

Хусусан, ИИБ масъул раҳбарлари билан бирга маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳ Миробод тумани ҳокимлигида ташкил этилган Республика идораларо мувофиқлаштирувчи штаб фаолияти билан танишди. Объектларда ўрнатилган видеокузатув камералари самарадорлигини ошириш, жамоат тартибини сақлаш бўйича куч-воситаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, Банокатий маҳалласи ва унга туташ ҳудудларда хавфсиз муҳитни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Аҳоли ҳамда савдо объектлари раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказилиб, мавжуд муаммолар ўрганилди.

Учрашувлар давомида ҳудудларни зонавий кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш, объектларни кўриқловга олиш орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

11 февраль — Илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар халқаро куни

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ ТАРБИЯЧИЛАРИ

Ҳар бир улуғ инсон ортида буюк аёл туради дейишади. Тарихга назар ташласак, фарзандларини муносиб вояга етказишда илми ва оқила оналарнинг ҳиссаси кўп сингганига гувоҳ бўламиз.

Қолаверса, оналаримиз фақат фарзандларини илму ирфонга ошно қилиб қолмасдан, ўзлари ҳам бу йўлда салмоқли ютуқларга эришган. Бунга халқимиз ўтмиши ва бугунидан кўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Олималик, умуман, илм-фанда бир натижа ёки ютуққа эришиш осон иш эмас. Бу ишни игна билан қудуқ қазишга киё-лашади. Айниқса, елкасида рўзгор деган катта ташвиш турган аёллар учун. Шу боис ҳам олималик мақом, даража сифатида улуғланади.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан аёллар таълимини кўнлаб қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар хотин-қизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, жамиятда ва оилада муҳим ўрин топиши, фарзандларига муносиб таълим-тарбия бера олиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда илм-фан соҳасида 5 мингга яқин олималар, олий ўқув юрталарида 14 мингдан зиёд хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон хотин-қизларининг 7 нафар академик, 271 нафар фан доктори (DSc), 1 411 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси соҳибалари ҳисобланади. Албатта, бу ўз-ўзи бўладиган жараён эмас. Унинг ортида давлатимизнинг тиргак бўлаётгани, моддий кўмак бераётгани ва қўллаб-қувватлаётгани туради.

Хусусан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқийётган 12300 нафар хотин-қизнинг барчасига Давлат бюджетидан 68,298 млрд. сўм (ўқув йилининг биринчи ярми учун) маблағ қайтариш шартисиз шартнома тўловлари сифатида тўлаб берилди.

Бундан ташқари, мутахассислиги бўйича камиде 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумоти бўлмаган 507 нафар хотин-қиз Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсияномаларига асосан умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Эҳтиёманд, боқувчисини йўқотган оилалардаги 1982 нафар хотин-қиз имтиёзи асосида олий таълим муассасаси талабаси бўлди.

Бундай рақамларни кўнлаб келтириш мумкин. Гарчи сўнгги 15 йил давомида дунё жамоатчилиги мазкур масала бўйича сезиларли ютуқларга эришган бўлса-да, аёллар ва қизлар илм-фан билан шугулланиш борасида ҳали ҳам чекловларга дуч келмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, илмий тадқиқотчиларнинг 30 фоиздан камроғи аёллардир. Бундан дунё бўйлаб ахборот-технологиялари соҳасини танлаган қизлар улуши 3 фоизни, табиий фанлар, математика ва статистикани танлаганлари 5 фоизни, шунингдек, инженеринг, иш-



Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

лаб чиқариш ва қурилиш соҳаларини танлаган қизлар улуши эса 8 фоизни ташкил этади.

Табиий фанлар, математика, инженеринг, технология, сановат ва қурилиш соҳаларида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда аёлларнинг ўрни ҳамда мавқеи нисбатан қўнғайди эканидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айтайлик, Нобель мукофоти тарихида илм-фан соҳасида ушбу мукофотга сазовор бўлган хотин-қизлар сонини атиги 3 фоизни ташкил этганининг ўзиёқ буни очик-равшан тасдиқлайди.

Ўзбекистон олималарининг ишторики педагогика, адабиёт, кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар йўналишлар ривожига анча салмоқли. Бу мамлакатимизда илмий фаолият билан шугулланувчи хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мақталар яратишга қаратилган комплекс чоралар ва миллий қўнчилиқнинг замон талаблари асосида такомиллаштирилиши натижасидир.

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Сенат қўмиталарида

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.

Сўзга чиққанлар ўтган йил давомида мамлакат ташқи сиёсатини амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида миллий манфаатларини фаол илгари суриш, хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, хорижий инвестициялар, экспорт, туризм ва транспорт йўлақларини ривожлантириш борасидаги ишларга эътибор қаратди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси ҳамда жорий йил 15 январь

куни Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселекторда ташқи алоқаларни янада ривожлантириш, миллий манфаатларини фаол илгари суриш, иқтисодий дипломатияни кучайтириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни ўз вақтида бажаришга алоҳида урғу қаратилди.

Дунё миқёсида мураккаб геосиёсий вазиятга қарамаздан, Президентимиз томонидан белгиланган очик, прагматик ва ташаббускор ташқи сиёсатини изчил амалга ошириш натижасида Ўзбекистон халқаро майдонда ишончли ҳамда нуфузли ҳамкор сифатида ўз ўрнини мустақамлаб бораётгани қайд этилди.

Жумладан, 2025 йилда 26 та хорижий мамлакатта олий даражадаги ташрифлар амалга оширилган, қатор давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари ташкил қилинган, "Марказий Осиё плюс" форматдаги кўп томонлама мулоқотлар сермахсул ўтган, стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган давлатлар сонини 19 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган мамлакатлар сони эса 165 тага етгани қайд этилди.

Сенаторлар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, фуқароларимиз манфаатларини фаол ҳимоя қилиш, хорижий инвестициялар оқимини кўнлайтириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришда амалий натижадорликка эришиш юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АЙРИМ ҚОНУНЛАР ЖСТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қўнчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича Битимига мувофиқлаштириш назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат билан айрим қонунларга уларнинг Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича Битими талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар йўналишлар ривожига анча салмоқли. Бу мамлакатимизда илмий фаолият билан шугулланувчи хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мақталар яратишга қаратилган комплекс чоралар ва миллий қўнчилиқнинг замон талаблари асосида такомиллаштирилиши натижасидир.

Хусусан, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга фитосанитария алоқалари тўғрисида қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, фитосанитария билан боғлиқ хавфни таҳлил этиш Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги томонидан амалга оширилиши ҳамда унинг тартибини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, "Давлат божи тўғрисида"ги ҳамда "Лицензиялаш, рўхсат бериш ва баҳардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларга юридик шахсларга фитосанитар зарарсизлантириш бўйича фаолият учун стандартларга мувофиқлаштириш назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши ҳамда ушбу фаолиятни лицензиялагани учун давлат божи белгиланишини, шунингдек, лицензиянинг номи ва унинг кичик турлари аниқлаштирилишини, мазкур фаолиятни амалга ошириш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдори белгиланишини назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Бу ўсимликлар карантини ва химияси соҳасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тад-

биркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик қўнчилиқини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун муқофоти санкциялар қўнчилиқини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунда экологик вазиятни назорат қилиш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларни тежаш ва оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда давлат экология назорати тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини назарда тутилган.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида электрон тижорат соҳасидаги истеъмолчилар муомаласига қириб бериётган янги йўналишлар — электрон савдо платформаси, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати ҳамда уларнинг операторлари тушунчалари аниқлаштирилди. Шунингдек, трансчегаравий электрон тижорат атамасига таъриф берилиб, унинг тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги қонунлар киритилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида электрон тижорат билан боғлиқ хизмат кўрсатиш ва савдо муносабатларида истеъмолчиларга танлов қилиш жараёнида шаффоқлиқни таъминлаш ҳамда улар манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор ўзгаришлар ҳам киритилди.

Мажлисда қонун лойиҳасида айрим нормалар юзасидан қатор саволлар ўртага ташланди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Жиноят кодексидagi мазкур бобда наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳокимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан қўнчилиқ (раҳнамолик) кўрсатиш ҳамда айриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги нормалар белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир этувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганилик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Дилдора КАМОЛОВА, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари: — Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бугунги кунда жуда муҳим. Ушбу ҳужжат аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, миллат гендерфондини асраш, шунингдек, гиёҳвандлик моддаларининг қонунга хилоф муомаласини чеклашга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Янги институт ва тартиблар

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Бу билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

Қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги институт ва тартиблар ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, маъмурий судларда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда. Ушбу босқич суд муҳокамасига далилларни тўплаш, даъво талабларини аниқлаштириш ҳамда тарафларни келиштириш имконини яратди.

Қонун лойиҳасида "ишончли ҳуқуқий ҳимояси" принципи ҳам мустақамланмоқда. Унга кўра, давлат органининг қарор ёки ҳужжатига ишониб, виждонан ҳаракат қилган фуқаро ёки тadbirkorнинг ҳуқуқлари қатъий ҳимояга олинади. Давлат органининг хатоси учун ҳалол фаолият юритган шахс жавобгар бўлмаслиги қонун даражасида кафолатланади.

Шунингдек, давлат органлари мансабдор шахслари асосий сабаблар билан суд мажлисига

келмаган тақдирда, уларга нисбатан суд жарималари қўлланилиши белгиланмоқда.

Зухриддин МАВЛОНОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси: — Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқаролар ҳамда тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялашнинг замонавий, халқаро стандартларга мос механизмларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Шу нуқтаи назардан айтганда, ушбу ҳужжат давлат органлари фаолияти устидан самарали суд назоратини таъминлаш, тadbirkorлик муҳитини янада яхшилаш ва энг асосийси, фуқароларнинг суд тизимига ишончини мустақамлашда муҳим ўрин тутди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Фуқаролар ҳамда тadbirkorлик субъектлари учун қўлайлик

Фуқаролар ҳамда тadbirkorлик субъектлари учун судларга мурожаат қилишда янада қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларга, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексога, шунингдек, "Судлар тўғрисида"ги ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларга қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, маъмурий суд ишларини юритишда ҳуқуқ бузилган шахснинг танловига кўра, иқтисодий суд ишларини юритишда эса тарафларнинг келишувига асосан экстерриториал судлов механизмининг жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Бундан ишни экстерриториал тартибда кўрадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар тизимининг оптималлаштириш орқали улар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсад қилинган. Бунинг доирасида туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида туманлараро иқтисодий судлар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим янгиликка кўра, агар қарздорга нисбатан тўловга қўйилмастеклик тўғрисида иш кўзга тутилган бўлса даъво аризаси мазкур иш доирасида қўрилиши лозим-

лиги сабабли кўрмасдан қолдирилса, тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, тақлиф этилаётган ўзгаришлар судга мурожаат қилишдаги ортिका овозгарчиликларни қамайтириш, коррупциявий омилларни бартараф этиш, шунингдек, суд қарорларининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Судьяликка номзодлар дастлабки тарзда масъул қўмиталарда кўриб чиқилади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қўнчилиқ ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, Конституциявий суд судьялари, Олий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади. Уларни сайлаш тўғрисидаги масала Сенатнинг навбатдаги мажлисида Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан ҳал қилинади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тақлиф этилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга юқорида кўрсатилган лавозимларга сайлаш учун номзодлар дастлабки тарзда Олий Мажлис Сенатининг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда унинг якуни бўйича қўмита томонидан ҳулоса қилиниши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Парламент назорати фаолиятининг асослари янада мустақамланади

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қўнчилиқ ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — парламент назорати фаолиятининг асосларини янада мустақамлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнчилиқ палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунларга парламент қўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг Конституция ва қонунларни, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш ваколатини мустақамлашга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилиқ палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонунга қўшимча киритилиб, депутат ва сенатор палатага ҳисобдор орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини нафақат палата мажлисида, балки эндиликда ўзи аъзо бўлган қўмита мажлисида ҳам эшитиш тўғрисида тақлиф қилинишига ҳақлиги назарда тутилмоқда.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларига ҳам ўзгаришлар киритилиб, Қўнчилиқ палатаси ва Сенатнинг қўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг Конституция ва қонунларни, Олий Мажлис палаталари ва уларнинг органлари қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш ваколати аниқ белгиланмоқда.

Анвархон ТЕМИРОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси: — Мазкур қонун лойиҳаси парламент назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз фаолияти юзасидан ҳисобдорлигини оширишга ҳамда Конституция ва қонунлар, давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан парламент томонидан тизимли назорат ўрнатилишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қўнчилиқ палатаси Матбуот хизмати.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар ва Қўшма декларация ҳамкорликнинг барча соҳалари аниқ ҳуқуқий асосга эга бўлганини аниқлашди. Бу бизнес учун "ўйин қоидалари" аниқ ва барқарор бўлишини кафолатлайди. Эришилган келишувлар яқин йилларда Ўзбекистонни минтақалараро боғловчи (хаб) марказга, Покистонни эса Марказий Осиё давлатларини жаҳон океанига чиқарувчи асосий дарвозага айлантиради. Икки томонлама муносабатлардаги беш йиллик муваффақият келгуси ўн йилликлар учун мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Мамлакатларимиз ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка ҳам эътиборни кучайтирмақда. Президент Шавкат Мирзиёев-

Музокараларда ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва қўшма ўқув машғулотларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилгани стратегия аҳамиятга эга. Бу икки мамлакат армиялари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни оширади ва замонавий уруш олиб бориш услублари, киберхавфсизлик ҳамда тезкор ҳаракат қилиш бўйича тажриба алмашиш имконини беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи доирасидаги тadbирларнинг наватдагиси Исломободдаги кўчалардан бирига Тошкент ва янгидан барпо этиладиган боққа Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи бериш маросими бўлди. Бош вазир Шаҳбоз Шариф ушбу қарор икки мамлакат ўртасидаги яқин тарихий ва маданий алоқаларни акс эттири-

БУЮК СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТИБ...

Президентимизнинг шу йил 5 февралдаги "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори буюк бобомиз руҳини беҳад шод қилганига асло шубҳа йўқ.

Акс садо

Қарор давлат аҳамиятига эга, жамиятимизни ривожлантириш йўлида олға қўйилган қадим элани билан муҳим. Унда таъкидланганидек, мустақиллигимиз тўғрисида буюк Соҳибқироннинг улғу номи ва қўлтуғ хотираси тарихан тўла тикланди, тарихий адолат ва ҳақиқат қарор топди. Улкан давлатчилигимиз тисолига айланган Амир Темури салтанати, аждодимизнинг суронли ҳаёти ва бемисл шижоати бугунги кунда халқимиз қаддини кўтариб турибди, учинчи Ренессансга қараб бораётган баркамол ёш авлод қалбига эса фахр-ифтихор туйғусини жойламоқда.



АМИР ТЕМУРИ
"AMIR TEMUR" (1336-1370)
"AMIR TEMUR" (1336-1370)

Қарорда Амир Темурининг бой шахсияти, унинг башариат тарихида ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳақида ҳамда Буюк теурийларнинг улкан меросини чуқур ўрганиш, Ватанимиз ижодкорларнинг трагедия ва опера-лариди бош қаҳрамонлардан бири сифатида тараннум этиб келинаётгани маълум. Йўқ, биз Амир Темуридай буюк сиймонинг бугун, Янги Ўзбекистонда қандай эъзозланаётгани, ҳақ қарор топгани, бемисл хурматга сазовор бўлаётгани, тарихининг чуқур ва тизимли ўрганилаётгани, хотираси ўзбек халқининг юрак-юрагидан жой олгани, ҳар йили туғилган кун байрам қилинаётгани ва ҳоказолар ҳақида буюк бўлимларимиз фаоллари билан давлатимиз элчионалари кўмагида анжуманлар ўтказишимиз, қизгин тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоғимиз лозим.

Мамлакатимизда олий "Амир Темури ордени" тасвир этилгани, бобомиз ҳақида шеърлар, романлар ёзилаётгани, Буюк теурийларга бағиш-лаб кинофильмлар олинаётгани, халқро анжуманлар ўтказилаётгани, театрлар сахналарида у ҳақда опера ва спектакллар намойиш этилаётгани, "Темурибеклар мактаблари"да Соҳибқироннинг бугунги ёш авлоди завқ-шавқ билан билим олаётгани ҳақида дунё жамоатчилигининг хабардорлигини янада оширсак, бундан халқимиз беҳад хурсанд бўлади. Шу маънода, диққатингизни қарорнинг 4-бандига қаратмоқчиман. Унда 2026 йил 1 мартдан бошлаб, Амир Темури ва теурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг ёйиш мақсадида "Буюк теурийлар" атамасини (албатта, улар — Буюк теурийлар!) халқро миқёсда илмий истилоҳ сифатида жорий этиш йўлида хорижий давлатларда "Буюк теурийлар тарихи ва маданий мероси" мавзуда учрашувлар, тақдиротлар, мулоқотлар, анжуманлар ўтказиш кўрсатиб қўйилган.

Ҳар йили апрель ойининг "Амир Темури ойлиги" деб эълон қилиниши ҳам айна мудоа бўлди. Бу ойда барча умумтаълим муассасалари, "Темурибеклар мактаблари"да, ҳарбий қисмларда, олий ўқув юртиларида, маҳалларда, муассасаларда шоирлар, ёзувчилар, теуришунос олимлар,

Муҳаммад АЛИ,
Халқро Амир Темури
жамоат фонди раиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЧУҚУР ТАРИХИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТАЯНГАН МУНОСАБАТЛАР

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Исломи Республикаси Бош вазир Шаҳбоз Шариф томонидан Қўшма декларациянинг, шунингдек, етакчилар хузурида 30 га яқин ҳужжатларнинг имзоланиши ташрифнинг нақадар сермахсул кечганини кўрсатади. Айниқса, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон — Покистон худудлараро форумини ташкил этиш тўғрисида шартнома, Иштиёқли савдо тўғрисидаги битимга янги товарлар рўйхатини киритиш ҳақида баённома, шунингдек, Ўзбекистон — Покистон Иштиёқли кенгашини тузиш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик ва тикувчилик саноати, рақамли ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар минтақалараро алоқаларимизни янги даражага олиб чиқади.

Муносабатларимизда Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон коридорини яратиш лойиҳасига катта эътибор қаратилаётгани эътиборга молик воқеалик, деб ўйлайман. Мазкур лойиҳа минтақаларни боғлаб, Марказий Осиё мамлакатларининг Жанубий Осиё бозорига чиқишига имкон бериши нуқтаи назардан стратегик аҳамиятга эга.

Исломободдаги музокаралар ва эришилган келишувлар икки мамлакат учун янги истиқболлар очди. Сиёсий даражадаги мулоқотлар ва амалий босқичга ўтказилиши режалаштирилган лойиҳалар минтақавий интеграция, иқтисодий ўсиш ва маданий алмашишнинг чуқурлашувига хизмат қилади. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганининг беш йиллигига тўғри келган ушбу ташриф икки давлат алоқаларида "янги иқтисодий давр" бошланганидан далолат беради.

Сўнгги беш йилда савдо айланмасининг 2,5 баравар, қўшма корхоналарининг эса 3 баравар ошгани шунчаки та-

стистика эмас, балки икки мамлакат бизнес вакиллари ўртасида ўзаро ишонч пайдо бўлганининг натижасидир. Савдо айланмасини 2 млрд. долларга етказиш мақсади ва 3,5 млрд. долларлик битимлар портфели икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдирувчи характерга эга эканини кўрсатади. Ҳамкорлик йўналишлари сифатида фармацевтика, электротехника ва тоғ-кон саноатининг танланиши катта стратегик қадамдир. Фармацевтика соҳасида Покистон дунёда етакчилардан бири бўлиб, бу борадаги ҳамкорлик Ўзбекистонда қўшма дори воситалари ишлаб чиқариш, дори-дармон нархини арзонлаштириш ва маҳаллийлаштиришга

нинг Покистон Мудофаа кучлари Олий Бош қўмондонини — Куролли Кучларнинг қўруқликдаги қўшунлари қўмондонини, фельдмаршал Асим Мунир билан учрашуви икки давлатнинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги хавфсизлик масалаларига қарашлари муштарак эканини кўрсатади. Бугунги мураккаб геосиёсий вазиятда, айниқса, Афғонистон омили ва халқро терроризм хавфи сақланиб қолаётган бир пайтда, мудофаа



Илҳомжон Тўхтасинов,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, профессор.

“Покистон томонидан Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши қўллаб-қувватланаётгани, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши подкомитети аъзوليғи учун Покистон номзодини 2025-2026 йиллар учун қўллаб-қувватлаши икки давлатнинг глобал интеграция ва хавфсизлик масалаларида ҳам ҳамфикр эканини тасдиқлайди.”

хизмат қилади. Тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳамкорлик икки йиллик пахта етиштирувчи ва қайта ишловчи давлатнинг бирлашиши ҳамда жаҳон бозорига рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзбекистоннинг денгиз портлари ва қишлоқ интилишида Покистон энг қисқа ва қулай йўналиш ҳисобланади.

Покистон томонидан Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши қўллаб-қувватланаётгани, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши подкомитети аъзوليғи учун Покистон номзодини 2025-2026 йиллар учун қўллаб-қувватлаши икки давлатнинг глобал интеграция ва хавфсизлик масалаларида ҳам ҳамфикр эканини тасдиқлайди.

соҳасидаги ҳамкорлик нафақат икки давлат, балки бутун минтақа тинчлиги учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

"Глобал саноат ва мудофаа ечимлари" (GIDS) компанияси бош қароргоҳига ташриф буюрилиши Ўзбекистоннинг ўз мудофаа салоҳиятини замонавийлаштириш борасидаги интилишларини ифодалайди. Покистон мудофаа саноатида катта тажрибага ва замонавий ишланмалар (дронлар, ракета тизими, зирхли техникалар)га эга. Икки мамлакат корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини фаоллаштириш ҳақидаги келишув шунга аниқлашдики, Ўзбекистон эндиликда нафақат тайёр маҳсулот сотиб олиш, балки қўшма ишлаб чиқариш ва технологиялар алмашинувига ҳам ургу бермоқда.

ши ҳамда Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали шериклик муносабатларининг стратегик даражасини яна бир бор тасдиқлашни таъкидлади.

Тошкент кўчаси ва буюк шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган янги боғ халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилиш қатъий эканининг яққол рамзига айланди. Ушбу воқеа Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар нафақат сиёсий ва иқтисодий манфаатларга, балки жуда чуқур тарихий ва маънавий илдизларга таянишини аниқлашди.

Мирзо Бобур нафақат теурийлар сулоласининг давомчиси ва буюк давлат арбоби, балки Покистон заминда юксак маданият, меъморчилик ва давлатчилик анъаналарига асос солган шахсдир. Янги боғнинг унинг номи билан аталиши — бу тарихга эътибор ва икки халқнинг маданияти бир, тарихи муштарак эканига ишорадир. Бош вазир Шаҳбоз Шариф таъкидлаганидек, мазкур қарор шунчаки рамзий маънога эга эмас. Бу Ўзбекистон расмий Исломободнинг энг ишончли ҳамкорларидан бири сифатида эътироф этилишидир.

Омвий ахборот воситалари вакили сифатида мени қувонтиргани шунки, икки етакчининг Қўшма баёнотида "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқро кинофестивалида иштирок этишга устувор аҳамият бериш ва ОАВ соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди. Бунда "Associated Press"нинг Покистон агентлиги ва Ўзбекистоннинг "O'zbekiston 24" телеканали ўртасида имзоланган ўзаро аниқлашув меморандумига мувофиқ, қўшма янгиликлар бюллетенларини тайёрлаш, журналистлар алмашинуви ва контент ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Хавжа ҲАМЗА,
Покистоннинг "Media today" нашри бош директори.

Ўзбекистон — Озарбайжон: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Озарбайжон бир-бирига иқтисодий истиқболли шерик сифатида қарамоқда. Йиллик ва кичик бизнес, таълим ташкилотлари алоқаларини кенгайтириш бўйича икки томонлама талабнинг ошириб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди. Мамлакатларимиз иқтисодиётининг турли секторларида кенг қўламли ҳамкорлик бўйича янги кун тартибини ишлаб чиқмоқда. Бу эса глобал бекарорлик ҳамда зарур маҳсулотларни етказиб бериш заنجирлари узилши шароитида янада долзарб аҳамият касб этапти.

га қаратилган амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) ҳам Озарбайжон олий таълим ҳамда илмий ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатган. Университетлар талабалари, профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари алмашинуви жадал ишламоқда. Қолаверса, ўзаро таълим дастурларини ишлаб чиқиш, қўшма илмий тадқиқотларни амалга ошириш, талабалар иштирокида конференция, симпозиум, форум ҳамда семинарлар ташкил этиш, ўқув-методик қўлланмалар, таълим, фан ва инновациялар соҳасида маълумот алмашиш масалалари ҳам тизимли йўлга қўйилди.

Аниқ мисолларга эътибор қаратсак, 2025/2026 ўқув йилидан ЎзДЖТУда озарбайжон тили учинчи хорижий тили сифатида ўқитила бошланди. Ўтган йили май ойида Озарбайжон тиллар университети томонидан ЎзДЖТУ базасида Озарбайжон тили маркази очилди.

Ўз навбатида, шу йил 3 февраль кун Озарбайжон тиллар университети базасида Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишлаб Ўзбек тили ва адабиёти маркази ташкил этилди. Мазкур мар-

Дарвоқе, ўтган йилнинг декабрида Озарбайжон олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналаридан иборат дастлабки гуруҳ ташриф билан ЎзДЖТУда бўлди. Улар университетда талабалар учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳамда олий таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Бундан ташқари, ЎзДЖТУ ва Озарбайжон университетлари талабалари, ўқитувчилари, тадқиқотчилари ҳамда илмий ходимларига таълим ва илмий муассасаларда ўқиш ҳамда илмий излашлар ўтказиш, шунингдек, тегишли давлат ҳудудидаги халқро ёзги мактабларда қатнашиш учун стипендиялар бериш имкониятларини кўриб чиқиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилган.

Тобора жадал ривожланаётган Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари муҳим аҳамиятга моликдир. Тенг ҳуқуқлилик, конструктивлик ва стратегик шериклик тамойилларига таянган бу муносабатлар ўзаро ишонч, бир-бирини чуқур аниқлаш ҳамда томонларнинг миллий манфаатларига хурмат асосида изчил ривожланиб бораётган самарали ҳамкорлик намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

Илҳомжон ТўХТАСИНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, профессор.

Бунёдкорлик «ШИРМОНБУЛОҚ» — ЖОЗИБАЛИ САЙЁҲЛИК МАСКАНИ

Андижон вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш, улар учун замонавий ва қулай инфратузилма яратиш мақсадида янги лойиҳалар амалга оширилляпти. Булоқбоши туманида барпо этилаётган "Ширмонбулоқ" туризм маскани бунга яққол мисол бўлади.



— Бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич, аниқ режа асосида олиб борилмоқда, — дейди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Алижонов. — Бундан қўзғалган мақсад ҳудудда сайёҳлар учун қулай муҳит яратиш, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш ва ички туризмни фаоллаштиришдир.

Бу масканди фақат дам олиш эмас, балки саломатлиқни тиклаш ва экологик туризмни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, лойиҳа доирасида 10 км. электр тармоғи тортилиб, 4 та трансформатор ўрнатилмоқда. 6,5 км. ичимлик суви тармоқлари ва 4 та сув иншооти барпо этиляпти. Шу билан бирга, 4,8 км. экойулақлар, 3 км. янги йўллар, 40 дан зиёд капсулалари ва 30 га яқин яқна тартибдаги меҳмон уйлари, 150 ўринли сиваттоҳ, экзотиклар, сунъий қўл, аквапарк, дор йўли ва зиплайнинг каби замонавий туризм объектлари қурилмоқда. Қисқаси, 107 гектар майдонни қамраб олган "Ширмонбулоқ" тез арада жозибали дам олиш ва саёҳат марказига айланади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА
«Elektron Realtor» МЧЖ
тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштирилдиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказилган савдога таклиф этади
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан "O'zsanotqurilishbank" АТБ балансида бўлган:
— Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, "Хотамтой" МФЙ, Бегобод кўчаси, 401-уйда жойлашган савдо дўкони биноси;
— Жиззах вилояти, Арнасой тумани, "Бобур" МФЙ, Порлоқ кўчаси, 90-уйда жойлашган суратхона биноси сотилади.
Сотиш шарти ва нархи билан "www.e-rieltor.uz" сайти орқали танишиш мумкин.
Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имкони мавжуд.
Савдода иштирок этиш учун талабгорлар "e-rieltor.uz" платформаси орқали ариза бериши керак.
Call-марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтими: www.e-rieltor.uz

Юксак билимли, дунёқараши кенг, замонавий фикрлайдиган, технологик жиҳатдан саводхон ёшлари кўп бўлган юрtda тинчлик ва тараққиёт, ўзарo жипслик ҳамиша барқарор бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЭНГ ГҮЛЛАГАН ЎШЛАР ЧОҒИМДА...



Ёшлик —

инсон умрининг энг ўзал, сермазмун, шижо-ату интилишларга бой палласидир. Қалбларда орзу-ниятлар жўш уради, кўзда нурафшон келажак умидлари жилва этади, кўнгил оташин ҳисларга бағридан жой беради.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган бу гагли “Энг гўллаган ёшлик чоғимда...” саҳифасида ёшлик аталмиш гўзал фаслнинг гўзал ҳаётидаги ўрни, бебаҳо қадри, бегуборлиги, баъзан тажрибасизлик сабаб кишига унутилмас сабоқлар бериши, мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва унинг тотли мевалари ҳақида сўз боради.

Билим — ягона нажот

Оддий дехқон оиласида вояга етганман: отам дехқон, онам эса уй бекаси. Қишлоқ шароити, мол боқиш, уй-рўзгор юмушлари, хуллас, болалгим шу муҳитда ўтса-да, ота-онам бир нарсани жуда аниқ тушунириб улғайтиришди: билим — ягона нажот. Шу боис болалгимизданоқ яхши ўқишга интилдик, айниқса, инглиз тилини чуқур ўргандик.

Мулоҳаза

Бугун ортга қараб шуни аниқ айта оламки, айнан шу муносабат мен учун муваффақият формуласига айланди. Оддий қишлоқдан чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жағфармаси грантига сазовор бўлдим ва магистратура босқичини Буюк Британиянинг Эдинбург университетиди ўтадим. Кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, турли жамиятлар, тизимлар ва муносабатларни кўрдим. Китоб — инсоннинг ҳаёт йўлини ёритувчи чирок эканига тақрор-тақрор амин бўлдим. Ва юртимизда ёшларни китобга ошно этишга хизмат қилувчи “Мутолаа” маърифий лойиҳасига асос солдим.

Эл-юртимиз навқирон авлодни кадрлайди, уларга ишонади. Бунинг қадрига етмоқ керак: чунки ўзларини давлат сиёсати даражасида кўлаб-қувватлайдиган Ўзбекистон каби мамлакат яна қайда бор?!

“Орзуларингга чеккан машаққатларинг эвазига эришасан”. Бу менинг ҳаётдаги шиорим. Унутманг: тинимсиз меҳнат ва ўзига бўлган масъулиятнинг меваси ҳам шунга яраша бўлади.

Сирожидин ОЛИМОВ,
«Мутолаа» лойиҳаси раҳбари.

Сабот

Истак ва ишонч уйғунлиги

“Ёшлик — гўрлик”, деб бежиз айтилмаган экан. Коллежни тамомлагач, мўмай даромад илнжиди тавоққал қилиб, 2019 йилда хорижга кетдим. Беш йил қурилишдан тортиб, ошпаз ёрдамчисига бўлган турли юмушларни бажардим. Бошимдан кўп қийинчиликлар ўтди ва яна юртга қайтдим.

Нима қилишни билмай юрган кунларнинг бирида маҳаллаимиздаги ёшлар етакчиси хориждан қайтган йигит-қизлар билан масъуллар иштирокида очик мулоқот ўтказилаётганини айтиб қолди. Қизиқиб, ушбу тadbирга бордим. Тўриси, у ерда айтилган гаплар, йигит-қизларга ўз бизнесини бошлаши учун берилётган имкониятлар, имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар қайимига чўғ солди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги пайдо бўлди.

Хорижда ошхонада ошпаз ёрдамчиси бўлиб, бу хунари анча-мунча ўрганиб олгандим. Шу боис маҳаллада кичик “Fast food” дўкони очишга қарор қилдим. Фиримни маҳалладаги ёшлар етакчиси ҳам маъқуллаб, Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлими раҳбари билан учраштирди. У киши барча йўл-йўриқларни ўргатиб, ҳужжат ишлариди ёрдамлашди. Натижда қисқа муддатда ишни бошлаб юбордим. Мижозларимиз сони аста-секин орта борди. Ҳозир даромадимиз яхши. Ўзим билан бирга яна 5 нафар тенгқуримни иши билан таъминладим.

Ёшларга энг катта тўсиқ — аксар ҳолларда атрофдагиларнинг уларга ишонмаслиги. “Бўлмайдими”, “Удда-лай олмайсан”, “Енингда киминг бор?” деган гаплар ҳар қандай ёшнинг шаштини синдиради. Аммо киши ўз кучи, салоҳиятига ишонса, имкониятларни тўғри баҳоласа, албатта, йўлини топади.

Фарҳод КАРИМОВ,
Қарши тумани, Гулшан маҳалласи

Интилиш Биз — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Талабалик йилларимдан қатъият, етакчилик ва ижтимоий фаоллик — асосий йўлдошим. Албатта, меҳнатим ва изланишларим эътироф этилмоқда, ўзим ўқиган Тошкент давлат юридик университети тарихидаги энг ёш стипендия совриндорларидан бири бўлганим бунинг исботи.

Шундан сўнг Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти азсоси ўлароқ жамоамиз билан биргаликда ёшлар орасида қонунчиликни тарғиб қилиш, уларни ҳуқуқий жараёнларга фаол жалб этиш лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон билан Европа ва МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ташаббусларида қатнашиш имконияти пайдо бўлди.

Кейинчалик “Egasmus+ exchange” дастури голиби сифатида Польша давлатида тахсил олиш имкониятига эга бўлдим. Бугунги кунда эса Ўзбекистон болалар ташкилотиди Халқаро ҳамкорликлар ва грантлар бўлими раҳбари сифатида фаолият юритиб, жамоамиз билан ёшлар учун хорижий имкониятларни очиш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш ва уларнинг мақсадларига етиши учун зарур шароит яратиш устида ҳаракат қилаймиз.

Асосий мақсадимиз — ёшларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш, уларни халқаро майдонларга олиб чиқиш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсадлар рўёбига ўз хиссамизни қўшиш. Чунки адолатли, очик ва ишончли жамиятнинг шакллантирувчи куч айнан биз Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор ёшларидир.

Меҳрожбек МАҲМУДОВ,
Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти азсоси.

Мадина СУЙУНБОВА,
Президент Олимпиадаси совриндори Озодбек Рисбековнинг онаси.
Тошкент вилояти

Мамлакат эртаси учун асосий капитал

Бугун Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди: ёшларга давлат сиёсатининг алоҳида объекти эмас, балки мамлакат келажagini белгилайдиган асосий стратегик капитал сифатида қаралмоқда. Айни шу ёндашув асосида йигит-қизларнинг таълим-тарбияси, касбий ривож ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Мушоҳада

Президентимизнинг ёшлар билан бевосита мулоқоти ва уларнинг муаммоларини шахсан эшитиб, тизимли ечимлар белгилаб бериши алоҳида эътиборга молик. Чунки давлат раҳбарининг навқирон авлод вакиллари билан мунтазам учрашиши, янги ташаббус ва имкониятларни илгари суриши дунё

амалиётида кам учрайдиган тажриба.

Яна бир муҳим жиҳат, “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонунда ҳам ёшлар сиёсати оид чора-тадбирлар устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, “ёшлар дафтари”га қиритилган йигит-қизларнинг амалиёт ўташини қўллаб-қувватлаш, стартап лойиҳаларни молия-лаштириш, илғор технологиялар-

ни жорий этиш, шунингдек, “Эл-юрт умиди” жағфармаси орқали ёш истеъдодларнинг хорижий нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олишини таъминлаш учун етарли маблағлар кўзда тутилган.

Йигит-қизларнинг фаол иштироки парламент фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ёш депутатлари ўз ташаббуслари, қатъий позицияси ва замонавий ёндашуви билан қонун ижодкорлиги жараёнига янги руҳ олиб кирмоқда. Улар навқирон авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим, бандлик, тадбиркорлик ва рақамли ривожланишга

оид масалаларни парламент минбариди очик ва асосли кўтариб келмоқда.

Депутат бўлиш нафақат катта ишонч, балки улкан масъулият ҳамдир. Бу ёшлар овозини қонунларда акс эттириш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим тақлиф қилиш ва давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига ўз хиссамизни қўшишда намоён бўлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, сиёсатга кириб келаётган янги авлод вакиллари келгусида мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Отабек МУСУРМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Спорт — умр безаги

Она учун фарзандининг муваффақиятидан ортик саодат йўқ. Оқ ювиб, оқ тараб, эзгу орзу-умидлар билан вояга етказган болангиз ортидан яхши гап эшитсангиз, дунёга сиймай қувонасиз.



Шараф

Гап шундаки, ўғлим Озодбек Олимпия шаҳарчасида ўтказилган Президент Олимпиадасида қатнашиш бахтига сазовор бўлди. Юртимиз ёшларини олимпия ҳаракатининг эзгу голяри асосида бирлаштирган ушбу спорт байрамида унинг бронза медалига сазовор бўлгани эса барчамизга катта ифтихор бағишлади.

У спортнинг тазквондо WTF тури билан ўн йилдан бери шуғулланиб келади. Фаолияти давомида бир қанча ютқуқларга эришганини фахрланиб айта олам. Ўғлим мени икки қарра Ўзбекистон чемпиони-нинг онаси деган шарафга муассар этган. Мусобақаларда ҳар гап майдонга тушиб, рақиблари билан беллашганда галабасини кутиб, дуо қилиб тураимиз. Озодбекнинг мураббийи Қувондиқ Сайдиев уни илк бор беллашувга олиб борганида 2-синф ўқувчиси эди. Ушанда ўғлим Самарқанддаги мусобақадан олтин медал билан қайтгани ҳануз кўз ўнгимда. Ҳозирги кунда эса у Тоҳир Тоғаймуродов мураббийлигида спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Ёшлик — умр баҳори. Спорт эса ана шу кўркам фаслни энг муаттар гуллар билан безайди. Бунинг ўғлимнинг ҳаёти мисолида кўриб турибмиз. Насиб этса, Озодбекнинг болаларини ҳам спорт билан, соғлом турмуш тарзи билан ҳамнафас тарзда вояга етказамиз.

Мадина СУЙУНБОВА,
Президент Олимпиадаси совриндори Озодбек Рисбековнинг онаси.
Тошкент вилояти

Интилган муродига етар

Таржима — оғир йўл. Бирор асарни ўғриш учун ёзувчининг руҳига кириб бориш керак. Жаҳон адабиётини ўзбекчада ўқий бошлаганимдан бери мени ҳассос мутаржимлар ўғрган асарлар, таржимонлик санъати ўзига ром этиб келади. Низом Комиллов таржимасидаги биргина Нодар Думбадзе қаламига мансуб “Ҳелладос” ҳикоясини олайлик. Мутолаадан сўнг беихтиёр “Ие, бу ҳикояни мабодо биронта ўзбек адабиётимизда қандай дейишингиз турган гап. Бу ҳам таржимоннинг маҳоратидан далолат.



Фикр

Юртимизда ёш таржимонларга имкониятлар кенг. Устозлардан маданый мерос бўлиб қолган ижод лабораториялари йигит-қизлар учун улкан база, мактаб. Фақат бундан унутули, ўз ўрнида фойдаланмоқ лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшлар маънавияти, дунёқарашини бойитиш устувор масалалардан. Бу борада миллий адабиётимиз билан бир қаторда жаҳон адабиётидаги ватанпарварлик, инсонпар-

варлик каби юксак голярни ҳаққоний акс эттирувчи бадий баркамол асарларнинг ўрни беқис.

Давлатимизда Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани биз, таржимонларни беҳад қувонтирди. Бу мукофот билан тақдирланганлар сафиди эътироф этилганимда қалам аҳлининг қадри улғу бўлган юрtda яшаётганимдан яна бир бор ифтихор туйдим.

Саиджалоил САИДУРДОВ,
Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот совриндори.

Ҳаёт биносини мустаҳкам пойдевор устига қуриш

Дунё жадал суръатларда ўзгариб борар экан, Ўзбекистоннинг жаҳонда муносиб ўрин эгаллаши учун ана шу ўзгаришларга ҳамнафас, замонавий касб ва технологиялар бўйича етук кадрлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Иштиёқ

Тўғри, юртимизда ёшларнинг илм-фан ютуқлари ва юқори технологияларни мукамал ўзлаштириши учун барча шарт-шароит муҳайё. Бироқ улардан фойдаланиш ҳақида гап кетганда, очиги, кўнгил тўлмайдими. Атоқ-

қўлдан келган ютуқларни қанча ютуқларни қанча киритдим. Хусусан, Буюк Британияда ташкил этилган 65-халқаро математика ҳамда Қозғонистонда бўлиб ўтган 22-халқаро Жаутиков олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим.

Албатта, бу муваффақиятлар чегара эмас. Айни кунларда жорий йилги республика ва халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик қўряман.

Олтинга тенг вақтини ҳавога совавурётган тенгдошларимга эса айтадиган гапим шу: бугун қилинган ҳар бир иш эрта учун пойдевор вазифини ўғтайди. Ҳаётнинг биносини мустаҳкам асос устига қуриш. Зеро, жонажон Ўзбекистонимиз эртаси бизнинг кўлимизда.

Элбек ЗОХИДЖОНОВ,
Муҳаммад ал-Хоразий номидаги Иттифод ўқувчиси, халқаро фан олимпиадалари совриндори.

2030 йилгача Навоий халқаро аэропортида амалга ошириляётган парвозлар сонини 2,3 баробарга ошириб, йилига 7 минггага етказиш кўзда тутилган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 447 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғон бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилямайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.32 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6